

**Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан  
2018 йил 4-чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича  
суд амалиёти обзори**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида” 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2018 йилнинг 4-чорагида назорат тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2018 йилда келиб тушган 1535 та шикоят ва протестлар ўрганилган. Ўрганилган шикоятларнинг 565 таси қайтарилган, 102 тасини қабул қилиш рад этилган, 369 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад қилинган, 368 та иш бўйича назорат тартибидаги шикоятлар ва протестлар судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Шулардан 78 таси бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 66 та суд қарорлари ўзгартирилган, 224 та суд қарорлари эса бекор қилинган.

Жумладан, 89 иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 96 таси бўйича янги қарор қабул қилинган, 25 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган, 5 таси бўйича даъво кўрмасдан қолдирилган, 9 таси бўйича иш юритиш тугатилган,

Судлов ҳайъатида кўриб чиқилган 368 та ишнинг 136 тасини Тошкент шаҳар, 37 тасини Самарқанд вилояти, 30 тасини Қашқадарё вилояти, 25 тасини Тошкент вилояти, 22 тасини Хоразм вилояти, 19 тасини Андижон вилояти, 18 тасини Сурхондарё вилояти, 17 тасини Фарғона вилояти, 15 тасини Бухоро вилояти, 15 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 14 тасини Наманган вилояти, 8 тасини Жizzах вилояти, 7 тасини Сирдарё вилояти ва 5 тасини Навоий вилояти иқтисодий судлари суд ҳужжатлари устидан берилган назорат шикоятлари ва протестларига асосан кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан жами 315 марта хукуқий тарғибот ишлари амалга оширилган. 61 та норматив-хукуқий ҳужжатлар (43 та қонун ва 18 та қонуности ҳужжатлари) лойиҳалари ишлаб чиқилиб, улардан 7 та қонун ва 6 та қонуности ҳужжатлари лойиҳалари қабул қилинган. Суд амалиёти юзасидан 5 та умумлаштиришлар ўтказилиб Олий суд Раёсатининг мухокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Олий суд Пленумининг

қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

**1. Апелляция шикояти суд ҳужжати устидан шикоят қилиш хуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти бўйича иш юритишни тугатиши лозим.**

Вилоят прокуратурасининг даъвогар “А” МЧЖ манфаатида жавобгар “Б” МЧЖга нисбатан ундан даъвогар фойдасига 98 667 000 сўмни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантиши рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Ишдаги ҳужжатларига кўра, ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан апелляция шикояти киритилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва даъвони рад этиш сўралган.

Гарчи, ишни биринчи инстанция судида кўришда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ишда иштирок этмаган, қабул қилинган ҳал қилув қарори унинг хукуқ ва мажбуриятлари тўғрисида бўлмаса-да, апелляция инстанцияси суди унинг шикоятини иш юритувга қабул қилган ва кўриб чиқиб, ҳал қилув қарорини бекор қилган ҳолда ишни янгидан кўриш учун юборган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 268-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, агар апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) хуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, судья апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этади.

Ушбу Кодекс 273-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, апелляция шикояти суд ҳужжати устидан шикоят қилиш хуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти бўйича иш юритишни тугатади.

Апелляция инстанцияси суди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан берилган апелляция шикояти ваколатсиз шахс томонидан берилганлиги асосига кўра уни қабул қилишни рад этиши, иш юритувга қабул қилганидан кейин эса, шикоят бўйича иш юритишни тугатиши лозим эди.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг апелляция шикояти бўйича иш юритишни тугатиши тўғрисида янги қарор қабул қилган.

**2. Иқтисодий суднинг илгари қўрилган иш бўйича қонуний қучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар суд худди шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишни қўраётганида янгидан исбот қилинмайди.**

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан МЧЖнинг буюртмачи-хусусий корхонадан 5 фоизли кафолат тўлов суммаси билан бирга жами 49 085 000 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантириш рад этилиб, буюртмачи-хусусий корхонанинг МЧЖдан 33 227 175 сўм зарарни ундириш тўғрисидаги қарши даъво аризаси қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарорининг қарши даъво аризасини қаноатлантириш қисми бекор қилиниб, қарши даъво аризаси талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, МЧЖ ва буюртмачи-хусусий корхона ўртасида тузилган қурилиш пудрати шартномасига асосан МЧЖ буюртмачи-хусусий корхонага касб-хунар коллежини реконструкция қилиш обьектининг эшиклари ва мебелларини ҳамда мактаб учун спорт зал мебелларини ясад ўрнатиш, буюртмачи-хусусий корхона эса уларни қабул қилиб олиш ва белгиланган тартибда ҳақ тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг баҳоси 142 770 000 сўм миқдорида белгиланган бўлиб, буюртмачи-хусусий корхона МЧЖга ишларни бажариш учун олдиндан 50 фоиз аванс тўлаши, тўловлар ойма-ой бажарилган ишлар ҳажмига қараб тасдиқланган Форма-2 ва Форма-3 ҳужжатларига асосан 45 фоиз миқдорида жорий молиялаштирилиши, охирги ҳисоб-китоб, яъни 5 фоизли тўлов обьект топширилгандан сўнг кафолат муддати тугагандан кейин амалга оширилиши белгиланган.

МЧЖ томонидан буюртмачи-хусусий корхонага 140 185 000 сўмлик (коллеж бўйича) ва 2 140 544 сўмлик (мактаб бўйича) мебель жиҳозлари топширилган. Буюртмачи-хусусий корхона томонидан МЧЖнинг ҳисоб рақамига тўлов топшириқномалари билан 71 385 000 сўм, 10 000 000 сўм, жами 81 385 000 сўм тўлов амалга оширилган.

Лекин буюртмачи-хусусий корхона ўз навбатида МЧЖ томонидан 140 185 000 сўмлик ишлар сифатсиз бажарилганлиги учун ундан ушбу ишларнинг 20 фоизи, яъни 28 037 000 сўм жарима, ишлар кечиктириб бажарилганлиги учун 49 765 675 сўм пеня, сифатсиз бажарилган ишларни қайта бажариш учун хусусий корхона томонидан қилинган харажат 1 505 000 сўм, ишчиларга тўланган иш ҳақи 2 100 000 сўм, иш ҳақидан амалга оширилган 619 500 сўм солиқ тўловини МЧЖ хусусий корхонага тўлаб бериши лозимлиги, ушбу суммаларни МЧЖнинг ҳақдорлиги билан ҳисоб қилинганда, МЧЖ томонидан етказилган зарар миқдори 33 227 175 сўмни ташкил қилиши ҳақидаги важлар билан хусусий корхона қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖдан 33 227 175 сўм зарар ундиришни сўраган.

МЧЖнинг назорат шикоятида судлар томонидан иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, мазкур низога бевосита боғлиқ бўлган тарафлар ўртасидаги бошқа иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан МЧЖ томонидан ишлар кечикириб ва сифатсиз бажарилганлиги ҳолатлари ўз исботини топмаганлиги ҳамда бажарилган ишлар тўлиқ қабул қилиб олинганлиги ҳолатлари аниқланиб, хусусий корхонанинг жарима ва харажатларни ундириш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш рад этилганлиги, МЧЖнинг ишни янги очилган ҳолатлар билан қайта қўриб чиқиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш асоссиз рад этилганлиги ҳақида важлар келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарорининг 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хulosаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилишлилиги, ишончлилиги ва етарлилик ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69–75-моддалари талабларини инобатга олган ҳолда асослантирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Кассация инстанцияси суди МЧЖ томонидан ишлар хусусий корхонага топширилганлиги, хусусий корхона уларни қабул қилишдан бош тортганлиги, хусусий корхона томонидан эса МЧЖ ишларни сифатсиз бажарганлиги натижасида унга 33 227 175 сўм зарар етказилганлиги тегишли далиллар билан исботлаб берилмаганлиги, биринчи инстанция суди МЧЖнинг даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри хulosага келган бўлса-да, хусусий корхонанинг МЧЖдан 33 227 175 сўм зарар ундириш ҳақидаги қарши даъво талабини қаноатлантириш ҳақида нотўғри хulosага келганлиги сабабли хусусий корхона томонидан МЧЖнинг 33 227 175 сўм зарар етказганлиги исботланмаган деб, хусусий корхонанинг қарши даъво аризасини ҳам қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида хulosага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг тарафлар ўртасидаги бошқа иш бўйича қабул қилган қарори билан МЧЖ томонидан ишлар кечикириб ва сифатсиз бажарилганлиги ҳолатлари ўз исботини топмаганлиги ҳамда бажарилган ишлар хусусий корхона томонидан тўлиқ қабул қилиб олинганлиги ҳолатлари аниқланиб, хусусий корхонанинг жарима ва харажатларни ундириш тўғрисидаги даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 73-моддасининг иккинчи қисмида иқтисодий суднинг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар суд худди шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишни кўраётганида янгидан исбот қилинмаслиги белгиланган.

Бундай ҳолатда, суд қарорларининг МЧЖнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш қисмлари бекор қилиниши ва мазкур талабни қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиниши лозим.

Шу билан бирга, кассация инстанцияси суди томонидан МЧЖнинг ишни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризасини янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли асосли равишда қаноатлантиришни рад этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” 2007 йил 15 июнданги 161-сонли қарорининг 1-бандида қарорнинг одил судловнинг конституциявий асосларини амалга оширадиган ва Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилинадиган ҳужжат сифатида қонуний ва асослантирилган бўлиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 18-боби талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этилиши шартлиги, суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал хуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши, суд томонидан ИПКнинг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки ва асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Судлов ҳайъати қайд этилганларга кўра назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, суд қарорларининг МЧЖнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш қисмларини бекор қилиш ва мазкур талабни қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

19-1705/2975-сонли иш

### **3. Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътиrozларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.**

“Чорвачилик ва наслчилик иши бўйича ишлаб чиқариш бирлашмаси” масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) ва чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ўртасида чет давлатдан наслдор чорва молларини етказиб бериш юзасидан тузилган шартномага кўра, МЧЖ (етказиб берувчи) фермер хўжалигига (харидор) шартномада белгиланган микдор ва муддатда четдан келтирилган наслдор чорва молларни етказиб бериш, харидор-фермер хўжалиги эса, МЧЖ-етказиб берувчига ўз вақтида наслли молларни зотлари ва микдори кўрсатилган талабномалар бериш ва четдан келтирилган наслли моллар ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини олган.

Шартнома бўйича етказиб бериладиган наслли чорва моллар учун тўлов тарафларнинг келишилган нархи бўйича амалга оширилиши, бунда 128 бош наслли молларнинг тирик вазни 400 кг дан кам бўлмаган вазнда ҳар бирининг нархи 8 500 000 сўм, шартноманинг дастлабки умумий суммаси

1 088 000 000 сўмни ташкил қилиши, ушбу нархга барча банк ва валюта биржаси харажатлари, мутахассислар сафар харажатлари, транспорт харажатлари, карантин муддатида сақлаш, озиқлантириш, ветеринария хизмати ва божхона расмийлаштириш харажатлари кириши белгиланган. Мазкур шартноманинг шартларига кўра, шартноманинг охирги умумий суммаси пуллар конвертация бўлганидан сўнг белгиланиши кўрсатилган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида конвертация ишлари амалга оширилганидан сўнг наслли қорамолларнинг нархлари оширилиши ёки камайтирилиши мумкинлиги инобатга олиниб, фермер хўжалиги ва МЧЖ етишмаётган ёки ортиқча суммани тўлаб беришлигини ўз зиммасига олганликлари тўғрисида келишув имзоланган.

Шартномага мувофиқ фермер хўжалиги МЧЖга 600 000 000 сўм пул маблағи ўtkазиб берган, кейинчалик ушбу сумманинг 90 000 000 сўм қисми фермер хўжалигига қайтарилиган. МЧЖ фермер хўжалигига 60 бош наслли моллар етказиб берган.

Шундан сўнг, МЧЖ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, шартномага асосан конвертациядан кейинги ҳар бир қорамоннинг нархи 9 116 400 сўмдан 60 бош наслли молларнинг умумий баҳоси 546 984 000 сўмни ташкил этишидан келиб чиқиб, фермер хўжалигидан 510 000 000 сўм тўланган пуллар билан конвертациядан кейинги нарх ўртасидаги фарқ 36 984 000 сўмни ташкил этганлиги боис, фермер хўжалигидан 36 984 000 сўм асосий қарз ва 1 849 200 сўм (адвокат хизмати учун) заарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, фермер хўжалигидан МЧЖ фойдасига 36 984 000 сўм асосий қарз ва 1 849 200 сўм заарни ундириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан суд қарорлари бекор қилинган ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилиб, фермер хўжалигидан МЧЖ фойдасига 36 984 000 сўм асосий қарз ва 1 849 200 сўм заарни ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартирилиб, ҳал қилув қарорининг фермер хўжалигидан МЧЖ фойдасига 1 849 200 сўм заарни ундириш қисми бекор қилинган ва даъвонинг заарни ундириш талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 236-моддасига мувофиқ мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Фермер хўжалиги МЧЖнинг ҳисоб рақамига 600 000 000 сўм пул

маблағини ўтказиб берган, МЧЖ эса фермер хўжалигига 60 бош наслли моллар етказиб бериб, мазкур ҳолатда тарафлар шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришган.

Бироқ, МЧЖ фермер хўжалиги томонидан тўланган пул маблағлари валюта биржа савдосида 1 евро - 3550,07 сўмдан конвертация қилинганлиги ва натижада конвертация қилинганидан кейинги 60 бош наслли молларнинг умумий нархи 546 984 000 сўмни ташкил қиласлигини важ келтириб, жавобгардан ўртадаги 36 984 000 сўм фарқни ҳамда адвокат хизмати учун сарфланган 1 849 200 сўм зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириш ҳақида нотўғри тўхтамга келган. Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг фермер хўжалигидан 1 849 200 сўм зарар ундириш қисмини бекор қилиб, иш хужжатларида МЧЖ ва адвокат ўртасида мазкур иш бўйича адвокатлик хизмати кўрсатиш учун тузилган шартнома ва унга адвокат хизмати учун 1 849 200 сўм пул маблағи ўтказиб берилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги сабабли ушбу талабни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри тўхтамга келган бўлса-да, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хуносага келган.

Чунки, “Микрокредитбанк” АТБ вилоят минтақавий филиали томонидан берилган маълумотга кўра, фермер хўжалиги томонидан 600 000 000 сўм пул маблағи МЧЖнинг АТБ “Микрокредитбанк” бўлимидағи ҳисоб рақамига ўтказиб берилган, ўз навбатида АТБ “Микрокредитбанк” бўлими томонидан ушбу пул маблағининг 461 000 000 сўм қисми 2015 йил 9 сентябрда ва 100 000 000 сўм қисми эса 2015 йил 17 сентябрда республика амалиёт бошқармасининг блок ҳисоб рақамига ўтказилган. АТ “Микрокредитбанк” бош оғисининг маълумотига асосан, 2015 йил 9 сентябрда конвертация учун блок ҳисоб рақамига ўтказилган 461 000 000 сўм “Микрокредитбанк” АТБ бош оғисининг маълумотига асосан 2015 йил 16 сентябрда 1 евро – 2 974,8 сўм миқдорида курс 234 965 еврода конвертация амалиёти амалга оширилган, 2015 йил 17 сентябрда конвертация учун блок ҳисоб рақамига ўтказилган 100 000 000 сўм “Микрокредитбанк” АТБ бош оғисининг маълумотига асосан 2015 йил 22 октябрда курс 1 евро – 3 040,77 сўм миқдорида курс 28 800 еврода ва 1 евро – 3 040,77 сўм миқдорида курс 76 800 еврода конвертация амалиётлари амалга оширилган.

Бундан қўринадики, фермер хўжалигининг МЧЖга ўтказиб берган 461 000 000 сўм пул маблағи 234 965 европни, 49 000 000 сўм маблағи эса, 16 114,33 европни, жами 251 079,33 европни ташкил қиласлан.

Иш хужжатларида мавжуд бўлган хорижий корхона билан МЧЖ ўртасида 2015 йил 26 январда тузилган контрактда 1 бош наслли молнинг нархи 2 400 евро қийматда белгиланганидан келиб чиқиб, фермер хўжалигига етказиб берилган 60 бош наслли молнинг контракт бўйича умумий баҳоси 144 000 европни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг

68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътиrozларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Ушбу ҳолатда даъво талабларини асословчи далиллар иш материалларида мавжуд бўлмаган ва МЧЖ ўз талабларига асос қилиб келтирган ҳолатларни исботловчи далилларни судга тақдим этмаган.

Судлов ҳайъати қайд этилганларга асосан иш юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилиш ва даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

14-1709/13722-сонли иш

**4. Келишув битими шартларини кўриб чиқиша суднинг вазифаси тарафларнинг келишув битимини тузиш ва иш юритишни тугатишга бўлган ҳақиқий хоҳиш-иродасини, улар томонидан келишув битими тузилаётганида қонун талаблари бажарилганлигини аниқлаш ва келгусида келишув битимини суд ҳужжатлари билан тенг шартларда ижро қилинишини таъминлашдан иборат.**

**Суд келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилаётганида тарафлар тақдим этган келишув битими қонун ҳужжатларига хилоф эмаслигини текшириши лозим.**

АТ банк филиали ва МЧЖ ўртасида мева сабзвотларни қуритиш ускунасини сотиб олиш учун 249 000 АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш бўйича 2016 йил 12 январда тузилган кредит шартномасига кўра, МЧЖ банк филиалидан олган кредити учун 4,5 фоиз миқдорида устама ҳақ тўлаш ва кредитни банк филиалига 2021 йил 11 январга қадар қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилиши таъминоти сифатида банк филиали, МЧЖ ва акциядорлик жамияти ўртасида 2015 йил 25 декабрда кафиллик шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра кредит шартномаси МЧЖ томонидан бажарилмаган тақдирда, акциядорлик жамияти (кафил) кредит асосий қарзи ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича тўлов мажбуриятини олган.

Шунингдек, кредитнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминоти сифатида акциядорлик жамияти ўзига тегишли бўлган бино-иншоотларни 2016 йил 20 январдаги ипотека шартномасига асосан гаровга қўйган.

МЧЖ томонидан кредит шартномаси мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганлиги, яъни шартномада белгилangan муддатларда кредит тани ва фоизи қайтарилимаганлиги асос қилиниб, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят худудий бошқармаси банк филиали манфаатида жавобгарлар МЧЖ ва акциядорлик жамиятидан солидар тартибда 9 215,26 АҚШ доллари миқдорида кредит фоизини ундиришни, ундирувни акциядорлик жамиятига қарашли дон қабул қилиш шохобчасига қаратишни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида Палата қўшимча даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, жавобгарлардан солидар тартибда 249 000 АҚШ доллари миқдорида асосий кредит қарз ва 1 899,74 АҚШ доллари миқдорида кредит

фоизини ундириш, ундирувни гаровдаги акциядорлик жамиятига тегишли дон қабул қилиш шохобчасига қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланган ва иш юритиш тугатилган.

Келишув битими МЧЖ ва акциядорлик жамияти томонидан бажарилмаганлиги сабабли, банк филиалининг аризасига асосан ижро варақаси берилиб, унда қарздорликни ундириш гаровдаги мол-мулкларга қаратилган.

Кассация инстанцияси судининг ажрими билан кассация инстанцияси судида иш юритиш тугатилган.

Судлов ҳайъати қуйидаги асосларга кўра назорат шикоятини қаноатлантиришни, ажримни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

ИПКнинг 131-моддасида тарафлар низони келишув битимини тузиб ҳал этиши мумкинлиги, келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд хужжатини ижро этиш жараёнида тарафлар томонидан тузилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан келишув битимини тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалар тўғрисида” 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарорининг 11-бандида судлар инобатга олишлари лозимки, келишув битимининг шартлари аниқ, равshan баён қилиниши ва унинг ижро этилишида келишув битимининг мазмуни бўйича ҳар хил талқин қилинишига ва келгусида низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайдиган бўлиши кераклиги, келишув битими тарафларнинг бир-бiri олдидаги ўзаро мажбуриятларининг шартлари, миқдори ва бажариш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозимлиги, келишув битими, хусусан: мажбуриятлар бажарилишининг кечиктирилиши ёки бўлиб-бўлиб бажарилиши тўғрисидаги; қарзни, неустойкани тан олиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш тўғрисидаги; суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги шартларни ўз ичига олиши мумкинлиги тўғрисида тушунириш берилган.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув битимига асосан МЧЖ кредит шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни ўз вақтида ойма-ой кўрсатилган график асосида кредитнинг асосий қарзи ва фоизини қайтариб тўлаб борилиши, МЧЖ ва акциядорлик жамияти эса 2017 йил 5 июлга қадар кредит фоизини қайтариш мажбуриятини олган.

Мазкур келишув битими бажарилмаса вилоят судига даъво аризаси билан мурожаат қилиш тушунирилган. Бу эса, ушбу келишув битими шартли тузилганлигини билдиради.

Мазкур келишув битимида ушбу даъво аризасини кўрмасдан оқибатсиз қолдириш мақсадга мувофиқлиги билдирилган, шунингдек, даъвогар мазкур даъво талабидан воз кечганлиги кўрсатиб ўтилган.

Мазкур келишув битимида барча даъво талаблари бўйича келишувга келинмаган, яъни қарздорликни гаров мулкига қаратиш ҳақидаги даъво талаби муҳокама қилинмаган.

Келишув битимидағи бандлар бир-бирига зид эканлиги, тузилган келишув битими даъво талабларини қамраб олмаганлиги ушбу келишув битими қонун талаблари асосида тузилмаганлигини билдиради.

Қолаверса, ушбу келишув битимида асосан берилган ижро варақасида АТ банк фойдасига жавобгарлар МЧЖ ҳамда акциядорлик жамияти ҳисобидан солидар тартибда 9 215,26 АҚШ доллари қарздорликни ундириш, ундирувни гаровдаги мулкларга қаратиш кўрсатилган. Ваҳоланки, суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримида МЧЖ кредит шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни ўз вақтида ойма-ой кўрсатилган график асосида кредитнинг асосий қарзи ва фоизини қайтариб тўлаб борилиши, МЧЖ ва акциядорлик жамияти эса 2017 йил 5 июлга қадар кредит фоизини қайтариш мажбуриятини олган бўлиб, ажримда қарздорликни гаровдаги мулкларга қаратиш белгиланмаган.

Қайд этилган Пленум қарорида келишув битими шартларини қўриб чиқишида суднинг вазифаси тарафларнинг келишув битимини тузиш ва иш юритиши тугатишга бўлган ҳақиқий хоҳиш-иродасини, улар томонидан келишув битими тузилаётганида қонун талаблари бажарилганлигини аниқлаш ва келгусида келишув битимини суд хужжатлари билан тенг шартларда ижро қилинишини таъминлашдан иборатлиги, суд келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилаётганида тарафлар тақдим этган келишув битими қонун хужжатларига хилоф эмаслигини текшириши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” 2007 йил 15 июнданги 161-сонли қарорига кўра, суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш хужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзgartирилиши учун асос бўлиши мумкин.

Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, яъни иш мазмунан ҳал этилмаганлиги, билдирилган талаб бўйича қарор қабул қилинмаганлиги сабабли, иш бўйича қабул қилинган қонун талабларига мос ҳолда тузилмаган келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

19-1702/7182-сонли иш

**5. Судлар томонидан моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, иш бўйича қабул қилинган суд хужжатларини бекор**

## **қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга асос бўлади.**

“Сувоқова” ДУК ходими МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари” талабига риоя этилиши ахволини ўрганиб, МЧЖ ичимлик суви тармоғига Д-25 ммли қувур орқали уланганлиги, мавжуд “СГВ-15” русумли сув ҳисоблагич асосида рақамли тамға ўрнатилмаганлиги ва сув ҳисоблагич асбоби давлат қиёслов кўригидан ўтказилмаганлиги ҳамда МЧЖ сув ва оқова хизматидан шартномасиз ўзбошимчалик билан фойдаланиб келаётганлигини аниқлаган.

“Сувоқова” ДУК томонидан мазкур қоида бузилиш юзасидан МЧЖга 59 674 346 сўм истеъмол қилинган сув сарфи ҳамда 28 572 886 сўм оқова хизмати ҳаки бўйича жами 88 247 232 сўм қайта ҳисобланган ва судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 88 247 232 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан иш бўйича иш юритиш тугатилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанцияси суди ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш хужжатларига кўра, фуқаро Р.га қарашли бўлган хусусий дўкон ва “Сувоқова” ДУК ўртасида мулқчилик шаклидан қатби назар корхоналарга ва хўжалик фаолиятини юридик шахс тузиб ёки тузмасдан туриб юритаётган шахсларга ичимлик сувини етказиб бериш хизматлари бўйича 2011 йил 21 июня шартнома тузилган.

Хусусий дўкон раҳбари фуқаро Р.нинг аризасига асосан 2013 йил 29 ноябрда сув ўлчагич асбобини навбатдаги давлат қиёслашидан ўтказиш учун тамғалаб ечиб олинганлиги тўғрисида далолатнома-кўрсатма тузилган.

Кейинчалик, хусусий дўкон обьекти масъулияти чекланган жамияти ихтиёрига ўтган.

2016 йил 10 февралда МЧЖ ва фуқаро Ж. ўртасида ушбу обьектдан бепул фойдаланиш тўғрисида шартнома тузилган ва шу куни мулк ҳуқуқи асосида МЧЖга тегишли бўлган ушбу обьект электр ва иссиқлик энергияси билан таъминланган, фойдаланишга яроқли ҳолда топширилганлиги тўғрисида топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилган.

Мазкур шартнома ва 2016 йил 10 февралда тузилган топшириш-қабул қилиш далолатномасидан кўринишича ушбу обьект мулк ҳуқуқи асосида МЧЖга тегишли.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”нинг 83-бандига кўра, мулк эгаси ўзгарганда янги мулкдор сувни ҳисобга олиш асбобини қайта рўйхатдан ўтказиши шарт.

Шунингдек, Коидаларнинг 115-бандида объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда Бюро билан далолатнома имзолаши шартлиги, истеъмолчи чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланиши, II ва III гурух истеъмолчилари объектни янги эгасига топширганда бу хусусда ИСКХ ташкилотини 30 кун муддатда огоҳлантириши, янги мулкдор эса объектдан фойдаланишни бошлашдан олдин ичимлик сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш юзасидан янги шартнома имзолаши кераклиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган қоидаларга МЧЖ томонидан риоя этилмаганлик ҳолатига баҳо бермаган, мулк шартнома асосида жисмоний шахс ихтиёрига ўтганлиги ва сувдан жисмоний шахс фойдаланганлигини сабаб асос сифатида келтириб, даъво аризаси бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида барвакт хulosага келган.

Кассация инстанцияси суди эса биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган камчиликларга эътибор қаратмаган ҳолда суд ажримини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хulosага келган.

Мазкур ҳолатда биринчи инстанция суди даъво аризани мазмунан кўриб чиқмаган ва даъво ариза юзасидан тегишли қарор қабул қилмаган.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги сабабли, иш бўйича қабул қилинган ажрим ва кассация инстанцияси суди қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

1401-1702/2198-сонли иш

**6. Суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак. Ушбу талабларга риоя этмаслик қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлади. Судлар томонидан барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки ва асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмас.**

“Е” акциядорлик жамияти (АЖ) ва масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) ўртасида тузилган олди-сотди шартномасига асосан АЖга тегишли бўлган умумий ер майдони 8860,0 м<sup>2</sup>, қурилиш майдони 737,7 м<sup>2</sup> дан иборат бўлган бино-иншоотлардан умумий ер майдони 2866,0 м<sup>2</sup>, қурилиш майдони 103,76 м<sup>2</sup> дан иборат темир бетонли тўсин девор МЧЖга 70 000 000 сўмга сотилган.

“Е” акциядорлик жамиятининг 10 фоиз улушли таъсисчиси “F” акциядорлик жамияти судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Е” АЖ ва МЧЖ ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас

деб топиш, мол-мулкни АЖга, тўланган пул маблағларини МЧЖга қайтаришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвони қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати қуйидаги асосларга кўра назорат протестини қаноатлантиришни, суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан қўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 176-моддасининг олтинчи қисмига кўра, суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” 2007 йил 15 июнданги 161-сонли қарорининг 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш хужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, судлар томонидан барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки ва асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур иш бўйича даъво талаблари “Е” АЖ ва МЧЖ ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш, мол-мулкни АЖга, тўланган пул маблағларини МЧЖга қайтаришдан иборат бўлган.

Биринчи инстанция суди ишни қўришда даъвонинг “Е” АЖ ва МЧЖ ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш талабини муҳокама қилиб, ушбу талаб бўйича қарор қабул қилган. Бироқ, даъвонинг мол-мулкни АЖга, тўланган пул маблағларини МЧЖга қайтариш тўғрисидаги талаблари муҳокама қилинмаган, ушбу талаблар бўйича қарорлар қабул қилинмаган.

Қолаверса, суд ишни қўришда ушбу ишга боғлик бўлган туманлараро иқтисодий судида қўрилган иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори олиб ўрганилмаган.

Шунингдек, ишни қўришда АЖнинг мол-мулки бегоналаштирилган бўлса-да, ишни қўришда манфаатдор ҳисобланган бошқа таъсисчилар ишга жалб этилмаган.

Мазкур ҳолатда биринчи инстанция суди томонидан ишни қўришда иш хужжатлари тўлиқ ўрганилмасдан ва уларга хуқуқий баҳо берилмасдан, моддий хуқуқ нормалари нотўғри қўлланган, даъво аризадаги барча талаблар юзасидан қарор қабул қилинмаган, моддий ва процессуал хуқуқ нормалари бузилган.

Кассация инстанцияси суди эса, ушбу ҳолатларга эътибор қаратмаган ҳолда, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хulosага келган.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати судлар томонидан моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги сабабли, иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси суди қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

2001-173/2994-сонли иш

**7. Қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳамда тарафлардан бирининг талаби бўйича битимлар нотариал тасдиқланиши шарт. Битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.**

**Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.**

Даъвогар “X” масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) “N” масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 96 000 000 сўм асосий қарз, 48 000 000 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво талаби биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига жавобгардан 96 000 000 сўм асосий қарз, 14 400 000 сўм пеня ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, жавобгарнинг апелляция шикояти қаноатлантирмасдан қолдирилган.

Жавобгарнинг назорат шикоятида ишни кўришда моддий ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, жумладан, судга тақдим этилган юк хатлари (счёт-фактуралар) шартномада белгиланган тартибда расмийлаштирилмаганлиги, шунингдек томонлар ўртасида тузилган ижара шартномаси нотариал тартибда тасдиқланмаганлиги ва давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги ҳолатларига қуий инстанция судлари эътибор бермаганлиги баён этилиб, суд ҳужжатларини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбориш сўралган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, даъвогар ва жавобгар ўртасида автотранспорт воситалари ва механизmlарни ижарага бериш бўйича тузилган ижара шартномасига кўра, даъвогар 2 та “MAN” TGS 41 400 русумли автомашинани жавобгарга ижарага бериш, жавобгар эса, олинган автомашина учун ижара ҳақини тўлаш мажбуриятини олган. Жавобгар томонидан 358 000 000 сўмлик юк хатлари (счёт-фактуралар) имзоланган, бироқ 262 000 000 сўмлик тўлов амалга оширилиб, 92 000 000 сўм қарздорлик юзага келган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 110-моддасининг иккинчи қисмига кўра, қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳамда тарафлардан бирининг талаби бўйича битимларни нотариал тасдиқлаш шарт. Ушбу

Кодекс 565-моддасининг иккинчи қисмига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартағи 38-сонли қарори билан тасдиқланган “Автомотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг З-бандида автомотранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқланиши кераклиги белгиланган.

Томонлар ўртасида тузилган “MAN” TGS 41 400 русумли автомашина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаси ҳисобланган. Демак, мазкур транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланиши керак. Лекин иш ҳужжатларида қайд этилган ижара шартномаси нотариал тасдиқланганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Фуқаролик кодекси 112-моддасининг биринчи қисмига кўра, битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Томонлар ўртасида тузилган ижара шартномаси нотариал тартибда тасдиқланмаганлиги сабабли ушбу шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Шунинг учун мазкур шартнома асосида талаб қилинган суммани ундириш мумкин эмас.

Қўйи инстанция судлари томонидан ушбу ҳолатга эътибор берилмаган ва жавобгар ижара шартномаси асосида транспорт воситасидан фойдаланганлигини асос қилиб, даъвони қисман қаноатлантириб, хатоликка йўл қўйилган. Бундай ҳолатда даъвогар томонидан ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган шартнома асосида талаб қилинган асосий қарз ва пеняни ундириш ҳақидаги талабни қаноатлантириш рад этилиши, ўз навбатида даъвони қисман қаноатлантириш ҳақидаги суд ҳужжатлари бекор қилиниши лозим.

Даъвони қаноатлантириш рад этилганлиги сабабли, ишни биринчи инстанция судида кўриш учун даъвогар томонидан тўланган суд харажатлари унинг зиммасида қолдирилади. Жавобгар томонидан ишни апелляция ва назорат инстанцияларида кўриш учун тўланган суд харажатлари эса даъвогардан жавобгарга ундирилади.

Судлов ҳайъати шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмаслиги сабабли унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатини суднинг ташабbusи билан қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди. Чунки, биринчидан, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатини қўллаш бундай талаб қўйилмаган бўлса, суднинг ҳукуки ҳисобланади. Иккинчидан, автотранспорт воситаларидан ҳақиқатда жавобгар фойдаланганлиги масаласи юзасидан томонлар ўртасида низо мавжуд. Шартноманинг ҳақиқий эмаслиги оқибатини қўллаш масаласи бўйича даъвогар алоҳида талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Судлов ҳайъати қайд этилганларни эътиборга олиб, иш бўйича қабул қилинган қуи суд қарорларини бекор қилиш ва даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

1304-1701/4145-сонли иш

**8. Соликка оид хуқуқбузарликнинг илгари айнан шундай хуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилганлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.**

Жавобгар юридик шахснинг молиявий шароитини ўрганишда, унинг раҳбарининг оилавий шароити эмас, балки юридик шахснинг молиявий шароити ўрганилиб, тегишли хуқукий баҳо берилиши ва раҳбар юридик шахснинг мажбурияти учун жавобгар ҳисобланмаслиги, аксинча юридик шахснинг ўзи жавобгар бўлиши эътиборга олиниши керак.

Туман давлат солик инспекциясининг МЧЖга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 75 бараваридан 100 бараваригача миқдорда молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, МЧЖга нисбатан Солик кодекси 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан қўлланилиши лозим бўлган 9 768 000 сўм миқдоридаги молиявий жарима Солик кодекси 112-моддасининг тўртинчи қисми асосида камайтирилган ва жавобгарга нисбатан 2 500 000 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарорининг жавобгарга нисбатан 2 500 000 сўм молиявий жарима қўллаш қисми 4 884 000 сўмга ўзгартирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, туман давлат солик инспекцияси томонидан МЧЖга қарашли автомобилларга сиқилган газ қуиши шохобчасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг савдога оид қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган қисқа муддатли текшириш натижасида, автомобилларга сиқилган газ қуиши шохобчаси оператори харидорга 12 000 сўмлик харид чеки ёки унга тенглаштирилган ҳужжат бермаганлиги, шохобча хазинасида 1 285 400 сўм нақд савдо пуллари бўлиб, шундан 27 000 сўм нақд савдо пули назорат-касса машинасига кирим қилинмаганлиги, булар билан назорат-касса машинасини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда ушбу тартибни бузиб хизмат кўрсатилганлиги аниқланган.

Солик текшируви материалларини кўриб чиқиши давомида МЧЖ томонидан илгари ҳам айнан шу турдаги хуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолати юзасидан соликка оид хуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган бўлиб, унга нисбатан Солик кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан, энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баравари миқдорида молиявий жарима қўлланилган ва МЧЖ томонидан молиявий жарима ихтиёрий равишда тўлаб берилганлиги ва бундан тегишли

хулоса чиқармасдан бир йил ичида айнан шу хуқуқбузарликни такроран содир қилғанлиги аниқланган. Бу билан МЧЖ томонидан мунтазам равища харидорларга харид чекини бермаслиқдан иборат бўлган хуқуқбузарлик содир этилганлиги тасдиқланган.

Шунга кўра туман давлат солиқ инспекциясининг қарори билан МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баравари микдорида 9 768 000 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сонли қарори билан тасдиқланган “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси худудида савдони амалга оширишда ва товарларни сотишда, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишда аҳоли билан пулли ҳисоб-китоблар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналари мажбурий тартибда қўлланган ҳолда амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган, ўз фаолиятининг хусусиятига кўра аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўлламасдан амалга ошириши мумкин бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг айrim тоифалари бундан мустасно.

Низомнинг 37-бандига кўра, назорат-касса машинасини қўллаш мажбурий бўлганда уни қўлламасдан, шунингдек квитанция ёзиш, талонлар ёки уларга тенглаштирилган бошқа хужжатларни бериш мажбурий бўлганда харидорга квитанция ёзмасдан, талонлар ёки унга тенглаштирилган бошқа хужжатларни бермасдан товарлар сотилганда (ишлар бажарилганда ва хизматлар кўрсатилганда) айбдор шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига кўра, фискал хотириали назорат-касса машиналарини ва (ёки) тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, худди шунингдек сотиб олувчига квитанциялар ёзиб бериш, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа хужжатларни бериш мажбурий бўлгани ҳолда бундай хужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик – энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади; мазкур модданинг иккинчи қисмига асосан, ушбу модданинг биринчи қисмida назарда тутилган ҳаракатлар жарима қўлланилганидан кейин бир йил ичида содир этилганда – энг кам иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур Кодекс 112-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, қўлланиладиган молиявий санкция хуқуқбузарликнинг оқибатларига

номутаносиб бўлган, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, шунингдек хуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олиб, суд ушбу Кодекснинг 17-бобида назарда тутилган молиявий санкциянинг энг кам даражасидан ҳам камроқ, бироқ белгиланган санкция энг кам миқдорининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, сабаблар ва асосларни албатта кўрсатган ҳолда молиявий санкция қўллашга ҳақли.

Шу Кодекс 111-моддасининг биринчи қисмига кўра, оғир шахсий ёки оилавий шароитлар кечиши оқибатида хуқуқбузарлик содир этиш; таҳдид ёки мажбурлаш таъсирида ёхуд моддий, хизмат ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли хуқуқбузарлик содир этиш; суд томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи деб топилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар солиққа оид хуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, солиққа оид хуқуқбузарликнинг илгари худди шундай хуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилган шахс томонидан содир этилганлиги жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этилади.

Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан биринчи ва кассация инстанцияси судлари МЧЖ раҳбарининг оилавий шароитини ҳисобга олган ҳолда МЧЖга молиявий жарима қўллашда Солиқ кодексининг 112-моддасини татбиқ этиб, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб эътироф этишда ушбу қонун нормаси нотўғри қўлланилган деб топилган.

Жумладан, қуйи судлар МЧЖнинг молиявий шароити оғирлигини ўрганишда, МЧЖ раҳбарининг оилавий шароитини ҳисобга олган. Ваҳоланки, МЧЖнинг директори жамиятнинг мажбурияти учун жавобгар субъект ҳисобланмайди ва давлат солиқ инспекциясининг талаби МЧЖ раҳбариға нисбатан эмас, МЧЖга нисбатан қўйилган. Иш бўйича жамият директори эмас, балки жамиятнинг ўзи жавобгар бўлади.

Ишни кўриб чиқиш давомида жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланмаган, аксинча, МЧЖ томонидан бир йил мобайнида айнан бир турдаги хуқуқбузарликнинг такроран содир этилганлиги ҳолати унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Қайд этилганларга кўра Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, арз қилинган талабни қаноатлантириш, МЧЖга нисбатан Солиқ кодекси 119-моддасининг иккинчи қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баравари миқдорида 9 768 000 сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

18-1604/6257-сонли иш

**9. Сув таъминоти ва канализация тизимларидан сув бериш (олиш) ва оқова сувларни қабул қилиш (оқизиши) юзасидан тузилган шартномасиз фойдаланиш, шунингдек истеъмолчи (субистеъмолчи) томонидан шартнома шартларини бузган ҳолда фойдаланиш, сув**

**таъминоти ва канализация тизимларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳисобланади.**

**Ичимлик сув ва канализация тармоқлари ҳамда курилмаларига ўзбошимчалик билан уланиб олингандик аниқланган тақдирда, сарфланган сув ва қабул қилинган оқова сувлар миқдори уланишнинг сув узатиш қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилинади.**

“Сувоқова” давлат унитар корхонасининг жавобгар савдо ишлабчиқариш тижорат корхонасидан 66 067 920 сўм ҳисобланган қарздорликни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 543 024 сўм ундирилган, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш бўйича иш юритиш тугатилган.

Иш хужжатларига кўра, жавобгар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс бўлса-да, ўрнатилган тартибда даъвогар билан ичимлик суви етказиб бериш тўғрисида шартнома тузмасдан, сув ўлчагич асбобини тегишли тартибда рўйхатдан ўтказмасдан шаҳар сув тармоғидан ўзбошимчалик билан Д-15 мм қувур орқали фойдалангандиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан даъвогар ходими ва жавобгар раҳбари иштирокида тузилган далолатнома-қўрсатма асосида даъвогар томонидан даъво муддати бўйича 1095 кун учун қайта ҳисоб амалга оширилиб, 66 067 920 сўмни тўлаш тўғрисида жавобгарга талабнома берилган ва ихтиёрий равишда 5 кунлик муддатда қарзни тўлаш чорасини кўриш сўралган. Талабнома ихтиёрий равишда ижро этилмагач, даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 66 067 920 сўмни ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвогар I гуруҳ истеъмолчилар бўйича уч ойда бир марта, II ва III гуруҳ истеъмолчилари учун қўпи билан бир ойда бир марта сув ва канализация хўжаликларини назоратдан ўтказиб туриши лозимлиги асосига кўра 9 кун учун қайта ҳисоб қилиниши лозим деб ҳисоблаб жавобгардан даъвогар фойдасига 543 024 сўм ундирилган ва даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этган.

Кассация инстанцияси суди эса қоидабузарлик аниқланган уй-жой фуқарога мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлиги, иқтисодий судда бу тоифадаги ишлар кўрилмаслиги асосига кўра ҳал қилув қарорини бекор қилган ва иш юритишни тугатган.

Жавобгар юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган ва унинг фаолият юритиш манзили, ташкилий-ҳуқуқий шакли хусусий корхона, фаолият йўналиши озиқ-овқат маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш, таъсисчиси фуқаро эканлиги кўрсатилиб, тадбиркорлик субъекти сифатида кўрсатилган манзилда чакана савдо фаолияти билан шуғулланиб келган ва шаҳар сув тармоғига уланган бўлса-да, белгиланган тартибда шартнома тузмаган ва сув ўлчагич асбобини рўйхатдан ўтказиш чорасини кўрмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”нинг 2-бандида ўзбошимчалик билан фойдаланишга таъриф берилган бўлиб, бу сув таъминоти ва канализация тизимларидан сув бериш (олиш) ва оқова сувларни қабул қилиш (оқизиш) юзасидан тузилган шартномасиз фойдаланиш, шунингдек истеъмолчи (субистеъмолчи) томонидан шартнома шартларини бузган ҳолда фойдаланишдир.

Қоидалар 49-бандининг биринчи хатбоисига кўра, фаолият кўрсатаётган ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларига (шу жумладан, сув олиш колонкалари ва ўт ўчириш гидрантлари, уйнинг киритма ва чиқувларига ҳам) ўзбошимчалик билан уланиб олиш, шунингдек, ушбу тизимлардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш тақиқланади, 94-бандига кўра ичимлик сув ва канализация тармоқлари ҳамда қурилмаларига ўзбошимчалик билан уланиб олингандик аниқланган тақдирда, сарфланган сув ва қабул қилинган оқова сувлар миқдори мазкур Қоидаларнинг 87-бандига мувофиқ уланишнинг сув узатиш қуввати бўйича қуйидаги вақтдан бошлаб ҳисоб-китоб қилинади:

ўзбошимчалик билан уланиш аниқлангунга қадар охирги текшириш далолатномаси тузилган кундан;

агар ўзбошимчалик билан уланиш ИСКХ ташкилотига тегишли тармоқ ва қурилмаларга нисбатан бўлган бўлса, ўзбошимчалик билан уланиш кунидан бошлаб у аниқлангунга қадар, бироқ даъво муддатидан кўп бўлмаган ҳолда ҳисобланади. Агар ўзбошимчалик билан уланиш санасини ҳужжат билан тасдиқлашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда ўзбошимчалик билан уланиб фойдаланиш даври даъво даври муддатига teng бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати - уч йил.

Қоидалар 87-бандининг б-кичик бандига кўра II ва III гурӯҳ истеъмолчилари учун ҳисоблаш асосий ичимлик сув тармоғи уланмасининг сув ўтказиш қуввати бўйича қуйидаги формула билан амалга оширилади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

Бунда - **M** - 0,60-0,62 га teng бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти; **F** - суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича), кв.м; **g** - 9,8 м<sup>2</sup>/секундга teng бўлган эркин тушиш тезлиги; **H** - сув тақсимоти ёки коммунал сув тармоғига уланиш жойидаги сувнинг бир метрдаги босими; **t** - ойнинг календарь кунлари, 24 соат мобайнидаги секундлардаги вақт.

Даъвогар жавобгар томонидан ўзбошимчалик билан сув истеъмол қилинганлиги асосига кўра қайта ҳисобни тўғри амалга оширган.

Биринчи инстанция судининг даъвогар ҳар ойда жавобгар манзилига келган ҳолда назорат кўригини амалга ошириши шартлиги тўғрисидаги хulosаси асоссиз ҳисобланади.

Қоидаларнинг 2-бандида берилган таърифга кўра истеъмолчи – сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш марказлаштирилган тизимларидан фойдаланиш соҳасида сув қувурлари - канализация хўжалиги ташкилотлари (бундай буён матнда ИСКХ ташкилоти деб юритилади) билан сув олиш ва (ёки) оқова сувларни оқизиб юбориш хизматлари олиш юзасидан белгиланган тартибда шартнома тузган юридик ва жисмоний шахслардир.

Қоидаларнинг 2018 йил 23 ноябрга қадар амалда бўлган 119-банди ўн учинчи хатбоисига кўра, ИСКХ ташкилоти I гурӯҳ истеъмолчиларида - уч ойда бир марта, истеъмолчиларнинг II ва III гурӯхларида - кўпи билан бир ойда бир марта уларнинг ичимлик сув ва канализация хўжаликларини назоратдан ўтказиб туриш (сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларининг ишлиши ва пломбалари бутлигини кўздан кечириш, кўрсаткичларини ёзиб бориш), назорат юзасидан тегишли далолатномалар тузишга мажбур бўлган.

Жавобгар даъвогар билан шартнома тузмаган ва у истеъмолчи ҳисобланмайди. Шунга кўра даъвогар ҳар ойда жавобгарнинг сув тармоғидан фойдаланишини назорат қилишга мажбур эмас.

Судлов ҳайъати қайд этилганларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

1401-1702/3289- сонли иш

#### **10. Битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабга, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умумий даъво муддати қўлланилади ҳамда даъво муддати фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.**

Акциядорлик жамиятининг акциядори бўлган фуқаро А. ва фуқаро Б. ўртасида қимматли қоғозлар бўйича 2008 йил 4 апрелда тузилган олди-сотди шартномаси шартига кўра, фуқаро А. ўзига тегишли бўлган, акциядорлик жамиятининг 16 дона, номинал қиймати 1000 сўмдан бўлган акцияларини 16 000 сўмга сотиши, фуқаро Б. эса, сотиб олинган акциялар ҳақини тўлаши лозим бўлган.

Ушбу шартнома “Depozitariy” МЧЖ томонидан 2008 йил 4 апрелда рўйхатга олиниб, 16 дона оддий акциялар фуқаро Б. номига расмийлаштирилган.

Фуқаро А. фуқаро Б.га, “Depozitariy” МЧЖ ва суд ижрочилари бўлимига нисбатан 2016 йил 16 марта судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Depozitariy” МЧЖда 2008 йил 4 апрелда рўйхатга олинган шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, “Depozitariy” МЧЖда 2008 йил 4 апрелда рўйхатга олинган шартномани ҳақиқий эмас деб топилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан фуқаро Б.нинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад қилиниб, даъво қаноатлантирилган. “Depozitariy” МЧЖда 2008 йил 4 апрелда рўйхатга олинган шартнома ҳақиқий эмас деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан фуқаро Б.нинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад қилиниб, даъво қаноатлантирилган. “Depozitariy” МЧЖда 2008 йил 4 апрелда рўйхатга олинган шартнома ҳақиқий эмас деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати қўйидаги асосларга кўра, суд қарорларини бекор қилишни, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни, назорат шикоятини қаноатлантиришни лозим топган.

Биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори билан фуқаро Б.нинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад қилиш, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри тўхтамга келган.

Ишни кўриш жараёнида фуқаро Б. судга ариза тақдим қилиб, даъво муддатини қўллаб, даъвони қаноатлантиришни рад этишни сўраган. Биринчи инстанция суди даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 163-моддасига асосланиб, моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган.

Мазкур Кодекс 163-моддасининг 5-бандида мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни (ушбу Кодекснинг 231-моддаси), бартараф этиш ҳақидаги талабларига, яъни негатор даъваларга даъво муддати қўлланмаслиги белгиланган.

Шартномани, яъни битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ушбу низо талаби негатор даъво ҳисобланмаслиги сабабли, ушбу ҳуқуқ нормасини қўллаб бўлмайди.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида” 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарорининг 31-бандига кўра, битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабга, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умумий даъво муддати қўлланилади ҳамда даъво муддати факат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Акциядорлик жамиятининг акциядори бўлган фуқаро А. ва фуқаро Б. ўртасида қимматли қоғозлар бўйича олди-сотди шартномаси 2008 йил 4 апрелда тузилган. Фуқаро А. томонидан мазкур шартнома тузилганидан

сўнг орадан 8 йил ўтиб, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво аризаси берилган.

Даъво муддатини тўхтатиш ёки даъво муддатини узилиши каби ҳолатлар мавжуд бўлмаган. Шу сабабли, даъво муддати шартнома тузилган кундан ўта бошлаган.

Ваҳоланки, 2008 йил 4 апрелда рўйхатга олинган шартномани фуқаро А. ва фуқаро Б. ўз хоҳиш-иродаларига мос ҳолда имзолари билан тасдиқлаган ҳамда шартноманинг орқа томонига фуқаро А. шартнома асосида келишилган 16 000 сўм пулни олганлигини тасдиқлаб, имзо қўйган.

Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати уч йил. Ушбу Кодекснинг 153-моддасида бузилган хуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъий назар судда кўриб чиқиши учун қабул қилиниши, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланиши, қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлиши белгиланган.

Қайд этилган хуқуқ нормаларига асосан биринчи инстанция суди ишни кўриш жараёнида фуқаро Б. томонидан берилган даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризаси низо бўйича уч йиллик даъво муддати ўтганлиги сабабли қаноатлантирилиши лозим эди.

Фуқаро А.нинг даъво аризасида келтирган фуқаро Б. 2000 АҚШ доллари миқдорида пул бериши лозимлиги ҳақидаги важи билан келишиб бўлмайди. Ушбу важини тасдиқловчи далил судга тақдим қилинмаган. Қолаверса, шартномада бундай шарт кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Йқтисодий процессуал кодекси 68-моддасининг биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътиrozларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Апелляция инстанцияси суди ҳам ушбу ҳолатларга эътибор қаратмасдан, асоссиз равишда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хulosага келган.

Судлов ҳайъати қайд этилганларга кўра, судлар томонидан моддий хуқуқ нормалари нотўғри қўлланганлиги учун, суд қарорларини бекор қилиш, тарафлар ўртасида 2008 йил 4 апрелда тузилган шартномани ҳақиқий эмас деб топишга асослар мавжуд эмаслиги ҳамда даъво қилиш муддати ўтганлиги сабабли, даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

16-1603/3560-сонли иш

**11. Агар қонун хужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан Фуқаролик кодексининг 6-параграф қоидалари қўлланади.**

“Сувоқова” ДУК ходимининг масъулияти чекланган жамияти томонидан сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан тузган далолатномасига кўра, МЧЖ марказлаштирилган сув таъминотига d-15 мм. кувур орқали уланганлиги, далолатнома-кўрсатмага асосан сув ўлчагич асбобини навбатдаги давлат қиёслаш қўригидан ўтказиш учун 10 кун муҳлат берилганлиги, бироқ ушбу кўрсатма бажарилмаганлиги аниқланган. Ушбу қоида бузилиш натижасида 2017 йилнинг 20 майидан 13 сентябригача бўлган вақт оралиғида сув ўлчагич асбоби рўйхатга олинмаган.

Шу сабабли “Сувоқова” ДУК 2017 йил 13 сентябрдаги далолатномага асосан сув ўлчагич асбоби рўйхатга олинмаганлиги, ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”нинг 70-банди бўйича берилган кўрсатма бажарилмаганлиги важи билан Қоидалар 87-бандининг “б” кичик бандига асосланиб сарфланган сув ҳажмини 112 кунга қайта ҳисоб-китоб қилиб, МЧЖдан 6 757 632 сўм ундириш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, МЧЖдан “Сувоқова” ДУК фойдасига 784 368 сўм ундирилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш юритиши тугатиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 468-моддасига кўра, энергия таъминоти шартномасига мувофиқ энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

Ушбу Кодекс 478-моддасининг иккинчи қисмига биноан, агар қонун ҳужжатларида, шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, туташтирилган тармоқ орқали газ, нефть ва нефть маҳсулотлари, сув ва бошқа товарлар билан таъминлаш муносабатларига нисбатан ушбу параграф, яъни мазкур Кодекснинг 6-параграф қоидалари қўлланади. Шу сабабли, тарафлар ўртасидаги муносабатга ушбу қонун нормаси (энергия таъминоти) қоидалари қўлланилади.

Қоидаларнинг 70-бандига мувофиқ ИСКХ ташкилоти ва Бюро сувни ҳисобга олиш асбобининг ўз вақтида назоратдан ўтказилиши учун истеъмолчига олдиндан хабар бериш, уни ечиш, ўрнатиш, кўрсаткичларини назорат қилиш юзасидан масъул ҳисобланади.

Сувни ҳисобга олиш асбобини текшириш (таъмирлаш) муддати унинг ечилигидан бошлиб пломбаланиб, қайта қўйилгунгача 30 календарь

кундан ошмаслиги керак.

Совуқ сувни ҳисобга олиш асбобини текшириш ёки таъмирлаш муддати давомида барча гурух истеъмолчилари асбоб ечилганидан кейинги 30 календарь кун мобайнида тўловларни олдинги уч ойдаги кўрсаткичларнинг ўртacha суткалик ҳисобидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширадилар.

Шунингдек, мазкур Қоидаларнинг 71-бандига кўра, сувни ҳисобга олиш асбобларининг сақланиши, бутлиги ва пломбаларнинг бузилмаганлиги юзасидан жавобгарлик истеъмолчиға юкланади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, “Сувоқова” ДУК ходими 2017 йил 13 сентябрда МЧЖ томонидан сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиб, МЧЖ марказлаштирилган сув таъминотига d-15 мм қувур орқали уланганлигини, сув ўлчагич асбобини қиёслашдан ўtkазиш учун 2017 йил 20 майдаги далолатнома-кўрсатма бажарилмаганлиги ҳолатларини аниқлаган ва бу хақда далолатнома тузган.

Қоидаларнинг 70-бандига асосан ИСКХ ташкилоти томонидан 2017 йил 20 майда берилган кўрсатма МЧЖ томонидан бажарилмаган, сувни ҳисобга олиш асбоби навбатдаги давлат қиёслашидан ўтказилмаганлиги сабабли, МЧЖдан 2017 йил 20 майдаги кўрсатма берилган кундан 30 кун ўтказиб, 2017 йил 13 сентябрда далолатнома тузилган кунга қадар бўлган давр учун ҳисоб-китоблар Қоидалар 87-моддасининг “б” бандига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Бироқ, “Сувоқова” ДУК сарфланган сув ҳажмини 112 кунга қайта ҳисоб-китоб қилиб, жавобгардан 6 757 632 сўм ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвони қисман қаноатлантиришда, ҳал қилув қарори қабул қилиш пайтида амалда бўлган Қоидалар 119-бандининг ўн учинчи хатбоисида ИСКХ ташкилоти истеъмолчиларнинг II ва III гурухларида кўпи билан бир ойда бир марта уларнинг ичимлик сув ва канализация хўжаликларини назоратдан ўтказиб туриш (сувни ҳисобга олиш индивидуал асбобларининг ишлаши ва пломбалари бутлигини қўздан кечириш, кўрсаткичларини ёзиб бориш), назорат юзасидан тегишли далолатномалар тузишга мажбурлиги белгиланганлиги ва шу сабабли “Сувоқова” ДУК 2017 йилнинг 1 сентябридан 13 сентябригача бўлган давр учун сарфланган сув микдорини формула асосида ҳисоблашга ҳақли эканлиги тўғрисидаги хulosага келиб, даъвони қисман қаноатлантирган.

Бироқ, суд низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилишда Қоидаларнинг 70-бандини инобатга олган ҳолда Қоидалар 87-моддасининг “б” бандига мувофиқ амалга оширилиши белгиланганлигига эътибор бермаган ва натижада ноқонуний қарор қабул қилган, кассация инстанцияси суди эса, МЧЖ фаолият юритиб келган уй фуқаро В.га тегишли эканлигини қайд этиб, мазкур низо бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида асоссиз қарор қабул қилган.

Чунки, ушбу манзилдаги обьект 2017 йил 9 сентябрда фуқаро В. томонидан фуқаро А.га уч йил муддатга ижарага берилган ва ижара шартномасига асосан фуқаро А. сувдан, электр энергияси ва табиий газдан

фойдаланганлик учун тўловларни тўлашни ўз зиммасига олган. Фуқаро А. МЧЖнинг раҳбари ҳисобланиб, ушбу ҳолатда объектдан ва шу билан бирга объектдаги сувдан МЧЖ фойдаланиб келган. Шу боисдан, кассация инстанцияси судининг мазкур объектдан ва шу объектдаги сувдан фуқаро А. фойдаланиб келганлиги тўғрисидаги хулосаси билан келишиб бўлмайди.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати иш юзасидан қабул қилинган кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, ҳал қилув қарорини эса ўзгартириб, ҳал қилув қарорининг МЧЖдан “Сувокова” ДУК фойдасига 784 368 сўм ундириш қисмини 4 887 216 сўмга ( $41,9 \text{ м}^2 \times 81 \text{ кун} \times 1440 \text{ сўм}$ ) ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилган.

1401-1702/3296-сонли иш

**12. Гаровга олувчининг талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилади.**

Банк филиали ва МЧЖ ўртасида тузилган кредит шартномаси шартига кўра банк филиали МЧЖга медицина хизматларини кўрсатиш биносини таъмиrlаш ва қайта жиҳозлаш учун қурилиш материалларини сотиб олиш мақсадида уч йил муддатга йиллик 12 фоиз устама фоиз тўлаш шарти билан 300 000 000 сўм миқдорида кредит маблағи ажратган.

Кредит таъминоти сифатида банк филиали ва МЧЖ ўртасида тузилган ипотека шартномасига кўра кредитни қайтариш мажбурияти МЧЖ томонидан бажарилмаган тақдирда МЧЖ банк филиали олдида ўзига тегишли бўлган шифохона бино-иншоотлари билан жавобгар бўлиши белгиланган ва баҳолаш далолатномасига кўра бино ва иншоотларнинг гаров киймати 380 000 000 сўм деб белгиланган.

Банк филиали томонидан МЧЖга кредит маблағи ўз вақтида ажратилган бўлса-да, МЧЖ томонидан кредитни қайтариш мажбурияти лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли, банк филиали олдида 260 000 000 сўм муддатли асосий кредит қарзи, 13 080 760 сўм муддати ўтган асосий кредит қарзи, 2 307 946 сўм миқдорида муддатли фоиз ва 15 482 сўм муддати ўтган фоиз қарздорлиги вужудга келган.

Низони судгача ҳал этиш мақсадида МЧЖнинг манзилига юборилган банк филиалининг талабномаси эътиборсиз қолдирилган.

Туман прокуратураси банк филиали манфаатида туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖдан банк филиали фойдасига 273 080 000,76 сўм муддати ўтган кредит қарзини ундириш ва ундирувни гаровдаги мол-мулкларга қаратишни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилиб, МЧЖдан банк филиали фойдасига 273 080 000,76 сўм кредит қарзи ундирилган.

Ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан банк филиали томонидан берилган назорат шикоятида биринчи инстанция суди ишни кўришда барча даъво

талабларини мұхокама қилмаганлиги ва процессуал ҳуқуқ нормасини нотүгри қўллаган ҳолда қарор қабул қилғанлиги баён қилиниб, унда ҳал қилув қарори бўйича ундирилиши лозим бўлган кредит қарзи ундирувани гаров объектига қаратиш ва мол-мулкларнинг бошланғич реализация баҳосини белгилаб бериш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 234-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда қўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Ушбу ҳолатда, тарафлар ўртасидаги низо улар ўртасида тузилган кредит ва гаров (ипотека) шартномаларидан келиб чиқсан.

ФК 744-моддасининг биринчи қисмига кўра, кредит шартномаси бўйича бир тараф - банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

Банк филиали ва МЧЖ ўртасида тузилган кредит шартномаси таъминоти сифатида тарафлар ўртасида имзоланган ипотека шартномаси асосида МЧЖга тегишли шифохона бино-иншоотлари гаровга қўйилган.

ФКнинг 735-моддасида қарз олувчи олинган қарз суммасини ушбу қарз шартномасида белгиланган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шартлиги, ушбу Кодекс 736-моддасининг иккинчи қисмida эса, agar қарз шартномасида қарзни қисмлаб (бўлиб-бўлиб) қайтариш назарда тутилган бўлса, қарз олувчи қарзни навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзниң қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Шунга кўра, биринчи инстанция суди банкнинг муддатли ва муддати ўтган кредит қарзларини унга ҳисобланган фоизлар билан ундириш ҳақида асосли хulosага келган.

ФК 279-моддасининг биринчи қисмida гаровга олувчининг талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкинлиги белгиланган.

Ушбу ҳолатда, биринчи инстанция суди кредит қарзларини муддатдан олдин тўлиқ ундириш ҳақида қонуний тўхтамга келган бўлса-да, ундирувни кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган шифохона бино-иншоотларига қаратиш ҳақидаги талабни мұхокама қилмасдан очик қолдирган. Ўз навбатида ундирув қаратилиши лозим бўлган гаров объектининг реализация қилиш баҳоси ҳам белгиланмаган.

Шунга кўра, ҳал қилув қарори ўзgartирилиши, кредит қарзининг ундируви гаров объектига қаратилиши ҳамда гаров объектининг бошланғич реализация қиймати белгилаб берилиши лозим.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати ҳал қилув қарорини ўзgartириш, банк филиалининг ундирувни гаровдаги мулкларга қаратиш

тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантириш, кредит қарзининг ундирувани гаров объектига қаратиш, МЧЖнинг банк олдидаги 202 826 740 сўм кредит қарзининг ундируви МЧЖга тегишли бўлган, қурилиш ости майдони 774,06 м<sup>2</sup> ва ишлаб чиқариш майдони 635,90 м<sup>2</sup> ташкил этган шифохона бино-иншоотларига қаратиш, шифохона бино-иншоотларининг бошланғич реализация баҳосини 380 000 000 сўм этиб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилган.

1603-1701/2235-сонли иш

**13. Қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлик бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбиз деб топилади.**

**Жавобгар у томонидан камчилик содир этилганлиги ва уни белгиланган муддатда бартараф этиш лозимлиги тўғрисида Қоидалар талабига зид равишда хабардор этилмаганлиги сабабли, даъво талблари асоссиз ҳисобланади ва уни қаноатлантириш рад этилиши лозим.**

“Сувсоз” давлат унитар корхонаси (ДУК) ва маҳалла фуқаролар йиғини ўртасида тузилган ичимлик суви етказиб бериш ҳамда оқова сувларни қабул қилиш тўғрисидаги шартномага асосан “Сувсоз” ДУК “етказиб берувчи” сифатида “истеъмолчи”, яъни маҳалла фуқаролар йиғинига туташтирилган тармоқ орқали ичимлик суви етказиб бериши ва ундан оқова сувларни қабул қилиб олиши, “истеъмолчи” – маҳалла фуқаролар йиғини эса кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаши лозим бўлган.

Шартноманинг 1.2-бандинга кўра истеъмолчи техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши, сувдан хўжасизларча фойдаланмаслиги, назорат пломбаларини ҳамда сув ўлчагич асбобларини бут ҳолда сақлаши, етказиб берувчининг вакилини ўз худудига кириши ва ваколати доирасида кўриқдан ўтказишни амалга ошириши учун шароит яратиб бериши лозим бўлган.

“Сувсоз” ДУК вакили томонидан маҳалла фуқаролар йиғинига тегишли идорада ўрнатилган сув ўлчагич асбоблари кўздан кечирилганда, маҳалла идорасида d-25, -15, -15, -15 мм бўлган 4 та асосий ичимлик сувига уланиш жойларидан 3 таси бўйича сув ўлчагичлари ишлаётганлиги ва тамғалари жойида эканлиги, фақатгина 4-сув ўлчагич асбоби ишламаётганлиги ва ундаги тамға узилганлиги ҳолати аниқланиб, 30 қунлик муддатда аниқланган камчиликни бартараф этиш лозимлиги кўрсатилган ҳолда бир томонлама назорат кўригидан ўтказиш бўйича далолатнома тузилган.

Ушбу кўрсатма маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ихтиёрий бажарилмаганлиги боис, “Сувсоз” ДУК судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, маҳалла фуқаролар йиғинидан 12 831 912,40 сўм асосий қарз ва 3 594 938,25 сўм пеня ундиришни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, маҳалла фуқаролар йигинидан “Сувсоз” ДУК фойдасига 12 831 912,40 сўм асосий қарз ундирилган, даъвонинг пеня ундириш қисмини қаноатлантириш эса рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарорининг жавобгардан “Сувсоз” ДУК фойдасига 12 831 912 сўм ундириш қисми 1 888 461 сўмга ўзгартирилган.

“Сувсоз” ДУКнинг назорат шикоятида кассация инстанцияси суди томонидан иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмасдан, далолатномада кўрсатилган камчилик даъво берилгунга қадар бартараф этилмаганлиги ҳолатларига ҳукуқий баҳо берилмасдан моддий ҳукуқ нормалари нотўғри қўлланилган ҳолда ҳал қилув қарорини ўзгартириш тўғрисида барваҳт қарор қилинганлиги ҳолатлари қайд этилиб, кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 234-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиши натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Ушбу ҳолатда, тарафлар ўртасидаги низо жавобгарга тегишли бўлган сув ўлчагич асбобидаги тамғанинг узилганлиги ҳолатидан келиб чиқсан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”нинг 61-бандига кўра, сув ҳисоблагичлар ушбу турдаги ишларни олиб бориш учун “Ўзстандарт” агентлигига аккредитациядан ўтган тегишли органлар томонидан текширилган ва пломбаланган бўлиши лозим.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, етказиб берувчи “Сувсоз” ДУК томонидан назорат кўригидан ўтказиш бўйича бир томонлама далолатномаси расмийлаштирилган бўлиб, унга кўра жавобгарнинг фойдаланишида бўлган сув тармоғига ўрнатилган 4 та сув ўлчагич асбобларининг бири ишдан чиқиб, унинг тамғаси ҳам узилганлиги ҳолати қайд этилган ва 30 кунлик муддатда аниқланган камчиликни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма ҳам берилган.

Ушбу далолатномани расмийлаштириш вақтда жавобгар (истеъмолчи) вакили иштирок этмаганлиги сабабли, у бир томонлама тузилган ва етказиб берувчи – “Сувсоз” ДУКнинг вакили томонидан унга истеъмолчи далолатномани имзолашдан бош тортганлиги ҳақида ёзув киритиб қўйиш билан кифояланган.

Қолаверса, иш ҳужжатларида ушбу далолатнома нусхаси истеъмолчига топширилганлиги ёки далолатнома асосида қайта ҳисоб амалга оширилиб, истеъмолчига камчиликни бартараф этиш ҳамда тўловларни амалга ошириш бўйича талабнома берилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Ваҳоланки, қайд этилган Қоидалар 68-бандининг (далолатнома тузилган кун ҳолатида амалда бўлган) биринчи хатбоisisiga кўра, ИСКХ ташкилоти (ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш

марказлаштирилган тизимларидан фойдаланиш соҳасида сув қувурлари - канализация хўжалиги ташкилоти) вакили томонидан сувни ҳисобга олиш асбобининг ишламаётганлиги аниқланса ёки унинг иш тартибига рухсатсиз аралашилган ёки назорат пломбалари узилган бўлса, ИСКХ ташкилоти истеъмолчига субистеъмолчига сувни ҳисобга олиш асбобини 30 кун муддатда навбатдан ташқари текширувдан ўтказишга кўрсатма беради. Муддат кўрсатма тақдим этилган санадан бошлаб ҳисобга олинади.

Ушбу ҳолатда, биринчи инстанция суди “Сувсоз” ДУК томонидан жавобгарга аниқланган камчилик ёки уни бартараф этиш бўйича бирор огоҳлантириш хати берилганлиги ҳолатини текширмасдан даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хуносага келган.

Бундан ташқари, етказиб берувчи “Сувсоз” ДУК истеъмолчига унда аниқланган камчиликни бартараф этиш бўйича 30 кунлик муддат берган бўлса-да, орадан ушбу муддат ўтгандан кейин ҳам қайта текширишни амалга ошириш чораларини кўрмасдан, балки истеъмолчининг ҳудудида мавжуд бўлган сув ўлчагич асбоблари ва улардаги тамғаларнинг бутлигини назорат кўригидан ўтказиб, 4 та сув ўлчагич асбобларининг 2 тасида тамғалар мавжуд эмаслиги ҳолати аниқланган ҳамда ушбу камчиликни қисқа муддатда бартараф этиш ва 12 831 912,40 сўм қарзни тўлаш лозимлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирган.

Истеъмолчи ўз фойдаланишида бўлган сув ўлчагичларини давлат қиёслаш қўригидан ўтказган ва бир ойлик муддат ичида аниқланган камчиликларни бартараф қилган.

Бироқ, ушбу ҳолатлар биринчи инстанция судининг эътиборидан четда қолиб, даъвонинг асосий қарзни ундириш қисми тўлиқ қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси суди, ўз навбатида қайд этилган камчиликларга ҳукуқий баҳо бермасдан, асосий қарз суммасини қайта ҳисоблаган ҳолда уни камайтириш билан чекланган, даъво асоссизлиги ҳолатларига тўхталмаган.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ушбу ФК 333-моддасининг биринчи қисмига кўра, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбиз деб топилади.

Ушбу ҳолатда, жавобгар у томонидан камчилик содир этилганлиги ва уни белгиланган муддатда бартараф этиш лозимлиги тўғрисида Қоидалар талабига зид равишда хабардор этилмаганлиги сабабли, даъво талаблари асоссиз ҳисобланади ва уни қаноатлантириш рад этилиши лозим.

Судлов ҳайъати қайд этилган асосларга кўра суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1001-1808/10799-сон иш

**14. Бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.**

**Фоизлар миқдори кредитор жойлашган ерда пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган қунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади.**

“А” масъулияти чекланган жамияти (“А” МЧЖ) ва “Н” масъулияти чекланган жамият (“Н” МЧЖ) ўртасида тузилган қарз шартномаси асосида “А” МЧЖ томонидан “Н” МЧЖга йиллик 3 фоиз устама тўлаш шарти билан 231 300 000 сўм қарз берилган. “Н” МЧЖ томонидан ушбу қарзнинг 10 000 000 сўм қисми тўланиб, 221 300 000 сўмлик қарздорлик вужудга келган.

Шунингдек, “Н” МЧЖ таъсисчилари умумий йигилишининг қарори билан жамиятнинг устав фондини ўзининг 350 000 000 сўм улуши билан қўшилаётган янги таъсисчи (“А” МЧЖ) эвазига ошириб, унинг қийматини 550 200 000 сўмга етказиш белгиланган.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида “А” МЧЖ томонидан “Н” МЧЖга юқорида қайд этилган қарз шартномасига кўра унинг “А” МЧЖ олдида 221 300 000 сўм қарзи мавжудлигини инобатга олган ҳолда 198 000 000 сўм ўтказиб берилган.

Бироқ “Н” МЧЖ томонидан “А” МЧЖни жамият таъсисчилари сафига қўшиш мажбурияти бажарилмаганлиги, “А” МЧЖ эса жамият устав фондига ўз улушкини тўлиқ киритганлиги важлари билан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Н” МЧЖга уни жамият таъсисчиларининг сафига қўшиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг тарафлар ўртасидаги бошқа иш бўйича қабул қилган ҳал қилув қарори билан даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ушбу ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят худудий бошқармаси “А” МЧЖ манфаатида даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, “Н” МЧЖдан устав фондга киритилган 198 000 000 сўм асосий қарзни ва пул маблағларидан фойдаланганлиги учун 97 020 000 сўм фоизни ундириб беришни сўраган.

Туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, “Н” МЧЖдан “А” МЧЖ фойдасига

125 000 000 сўм асосий қарз, 13 600 000 сўм фоиз тўлови ундириш белгиланган. Даъво талабларининг қолган қисми эса рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарорининг “Н” МЧЖдан “А” МЧЖ фойдасига 13 600 000 сўм фоиз ундириш қисми 20 000 000 сўм ундиришга ўзгартирилган.

Ушбу суд қарорларига нисбатан Палата томонидан берилган назорат шикоятида, судлар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни ўрганмасдан, ундириш сўралган фоиз миқдори Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 327-моддаси талабига кўра банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича ҳисоб-китоб қилинган бўлса-да, уни қайта молиялаштириш ставкаси бўйича камайтириш тўғрисида асоссиз хulosा қилганликлари баён этилиб, суд қарорларининг фоизни ундириш қисмини ўзгартириб, ушбу талабни тўлиқ қаноатлантириш сўралган.

ФК 327-моддасининг биринчи қисмига кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечикитириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Иш ҳужжатларига кўра, “Н” МЧЖ таъсисчиларининг умумий ийғилишида жамиятнинг устав фондини “А” МЧЖни янги таъсисчи сифатида 350 000 000 сўм улуш билан қўшиш эвазига ошириш тўғрисида қабул қилинган қарори ижросини таъминлаш мақсадида “А” МЧЖ “Н” МЧЖга 198 000 000 сўм маблағ ўtkазиб берган ва қарз шартномасига кўра “Н” МЧЖнинг “А” МЧЖ олдида 221 300 000 сўм қарзи мавжудлиги ҳолатини инобатга олиб, “А” МЧЖ томонидан устав фонди тўлиқ шакллантирилганлиги важи билан жамият таъсисчилари сафига киритиш мажбуриятини “Н” МЧЖга юклаш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантириш суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан рад этилганлиги сабабли, ушбу устав фондга киритилган 198 000 000 сўмни ва унга ҳисобланган 97 020 000 сўм миқдорда фоизни ундириш бўйича даъво қўзғатилган.

Ушбу ҳолатда биринчи инстанция суди “Н” МЧЖ томонидан “А” МЧЖга жами 73 000 000 сўм маблағ қайtарилганлигини инобатга олиб, “А” МЧЖ фойдасига қолган 125 000 000 сўм миқдорида асосий қарзни ундириш ҳақида асосли хulosага келган бўлса-да, қарзни ўз вақтида қайтармаганлиги ҳолати бўйича ҳисобланган 97 020 000 сўм фоиз суммасини камайтиришда, Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан ҳам камроқ суммага камайтириб хатоликка йўл қўйган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 326-моддаси билан неустойка суммасининг миқдорини камайтириш назарда тутилган бўлса-да, ушбу нормани қўллаб фоизни камайтириш ҳақида моддий хуқуқ нормасини нотўғри қўллаган.

Ўз навбатида, кассация инстанцияси суди ҳам қайд этилган ҳолатларга эътибор қаратмасдан, айнан келтирилган хатоларни такрорлаб 13 600 000 сўм

фоиз миқдорини 20 000 000 сўмга, яъни тўланиши лозим бўлган асосий қарз суммасини 14 фоизгача камайтириш тўғрисида асоссиз хulosага келган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун хужжатларини қўллашнинг айрим масалалари хақида” 2007 йил 15 июнданги 163-сонли қарори 4-бандининг иккинчи хатбошида неустойканинг энг кам миқдори ФКнинг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлигини судлар эътиборга олишлари тўғрисида тушунтириш берилган.

ФКнинг 327-моддасида назарда тутилган фоиз суммасининг миқдори банк қайта молиялаш ставкасининг миқдорида ҳисобланади.

Судлов ҳайъати, фоиз миқдорини қайта ҳисоблашда қўйидаги ҳисобдан келиб чиқсан:

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 14-моддасининг еттинчи қисмида жамиятнинг ҳар бир иштирокчisi бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондига ўз ҳиссасини киритиши кераклиги белгиланган бўлиб, “Н” МЧЖнинг “А” МЧЖни жамиятга таъсисчи сифатида қўшмаганлиги сабабли унинг 198 000 000 сўм маблағни “А” МЧЖга қайтариш мажбурияти жамият таъсисчиларининг умумий йиғилиши ўtkазилган кундан бир йил ўtkазиб ҳисобланиши лозим.

Шунингдек, ушбу Қонун 18-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ иштирокчи жамият таъсисчилари сафига қўшилмаган тақдирда, жамият ўн кунлик муддат ичida жамият иштирокчиларига улар томонидан киритилган қўшимча пул ҳиссаларини қайтариши шартлиги назарда тутилганлиги боис, қайд этилган мажбурият 2015 йил 25 ноябрдан вужудга келган.

- 2015 йил учун (2015 йил 25 ноябрдан 31 декабргача) 36 кун;
- 2016 йил учун (2016 йил 1 январдан 31 декабргача) 365 кун;
- 2017 йил учун (2017 йил 1 январдан 26 июнгача) 178 кун, жами 579 кун учун банк қайта молиялаш ставкаси 9 фоиз бўлганлиги, жавобгарнинг қарзи эса 198 000 000 сўмни ташкил этганлиги сабабли ( $198\ 000\ 000 * 9 \% : 365 = 48\ 822$  сўм)  $579\ \text{кун} * 48\ 822 = 28\ 267\ 938$  сўмни ташкил этади;
- 2017 йил 27 июндан қайта молиялаш ставкаси 14 фоизга кўтарилиган;
- 2017 йил 27 июндан 2017 йил 13 октябргача 108 кун учун 14 фоиздан ( $198\ 000\ 000 * 14 \% : 365 = 75\ 945,20$  сўм)  $108 * 75\ 945,20 = 8\ 202\ 082,20$  сўм;
- “Н” МЧЖ томонидан 2017 йил 13 октябрда 5 000 000 сўм тўлаганлиги сабабли, қарздорлик 193 000 000 сўмдан ҳисобланиши лозим;
- 2017 йил 14 октябрдан 2017 йил 31 декабргача 79 кун;
- 2018 йил 1 январдан 2018 йил 16 майгача (2018 йил 17 майда даъвогар судга даъво берган) 136 кун, жами  $79 + 136 = 215$  кун;
- $193\ 000\ 000 * 14 \% = 27\ 020\ 000$  сўм :  $365$  кунга =  $74\ 027,40$  сўм;
- $74\ 027,40 * 215 = 15\ 915\ 891$  сўм;
- $15\ 915\ 891 + 8\ 202\ 082,20 + 28\ 267\ 938 = 52\ 385\ 911,20$  сўм.

Демак, “Н” МЧЖдан “А” МЧЖ фойдасига 52 385 911,20 сўм фоиз тўлови ундирилиши лозим бўлган.

Судлов ҳайъати қайд этилганларга кўра, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг ва кассация инстанцияси суди қарорининг “Н” МЧЖдан “А” МЧЖ фойдасига фоиз ундириш қисмини бекор қилиш ва ушбу талаб бўйича “А” МЧЖнинг талабини қисман, яъни 52 385 911,20 сўмга қаноатлантириш, ишни қўриш билан боғлиқ давлат божи ИПКнинг 118-моддасига мувофиқ даъво талабларининг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда тарафлар зиммасига юклаш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

4-1001-1803/14847-сонли иш